

"GEOGRAFIYA – KELESHEKKE KÓZ-QARAS"

atamasındağı Respublikalıq kólemdegi ilimiý-teoriyalıq konferenciya

МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШДА ИЛМИЙ КАРАШЛАР

Ембергенов Н.Ж.

география фанлари номзоди, доцент
Бердақ номидаги Коракалпоқ давлат
университети

Ауезов О.Т.

Ажиниёз номидаги Нукус давлат
педагогика институты таянч докторанты
e-mail: omirbayauzezov@mail.ru

Аннотация: ушбу мақолада меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиши тадқиқ этилган. Шунингдек, меҳнат ресурсларига таъсир этувчи омиллар ўрганилган.

Калим сўзлар: меҳнат ресурслари аҳоли ўсиши, табиий кўпайиш, миграция, аҳоли жойлашуви, демографик сизим.

Халқаро статистикада, меҳнат ресурсларига қўпгина мамлакатларда 15 ёшдан 65 ёшга бўлғанлар киради. Ўзбекистонда эса эркаклар 16 ёшдан 60 ёшгача, аёллар 16 ёшдан 55 ёшгача меҳнатга яроқли ёшдаги аҳоли ҳисобланади. Республикада меҳнат ресурсларининг салмоғига аҳолининг туғилиш ва табиий ўсиш даражалари, аҳолининг ёш таркиби ҳамда аҳоли миграцияси бевосита ўз таъсирини кўрсатади. Аҳолининг туғилиш ва табиий ўсиш кўрсаткичлари юқорилиги сабабли аҳоли ўртасида 14 ёшгача бўлган болалар улуши юқори бўлиб, меҳнат ёшдагилар салмоғи бошқа ривожланган давлатларга қараганда пастdir, айни вақтда меҳнат ёшидан ўтганлар салмоғи ҳам бирмунча оз. 60 ёш ва ундан юқори ёшдагиларнинг нисбатан камлиги, албатта, ўртacha умр кўриш муддатига боғлик. Бугунги кунда ортиқча меҳнат ресурсларидан унумли фойланиш масаласи, яъни аҳоли бандлигини оширишга дунёни барча давлатлари турли йуллардан фойдаланишга ҳаракат қўймоқда. Масалан, Халқаро Меҳнати Ташкилоти ҳар йили бандлик масаласига бағишлиланган “2014 йилда бандлик масаласидаги жаҳон тенденциялари”, деб номланган ҳисботида жаҳон иқтисодиёти паст кўрсаткичлар билан ўсиб бораётгани сабаби бандлик муаммоси бартараф этилмаётгани таъкидланди. Бунинг энг асосий сабаби жаҳон иқтисодий инқирози кўплаб давлатлардаги минглаб йирик корхоналарни касодга учратди. Бу эса миллионлаб одамларни ишдан маҳрум қилди. Ҳозирги дунёда иш ўринларининг асосий юраги хусусий сектор бўлиб, ҳар 10 та иш ўрнининг 9 таси айнан шу секторга туғри келади. Демак, бугунги кунда бандлик ривожланган ва ривожланаётган ҳарқандай давлатнинг асосий ва долзарб муаммоларидан биридир.

"GEOGRAFIYA – KELESHEKKE KÓZ-QARAS"

atamasındağı Respublikalıq kólemdegi ilimiy-teoriyalıq konferenciya

“Биринчи рақамли” деб айтилаётган мазкур муаммони ҳал қилишнинг бирдан бир йўли янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини ижтимоий химоя қилишдан иборатdir. Жаҳон Банки эксперtlарининг фикрлариiga қараганда, жаҳонда 3 миллиарддан ортиқ киши иш билан банд. Ваҳоланки, ҳозирда жаҳон аҳолиси 8 млрд. га яқинлашмоқда. Бундан хулоса қилиш мумкинки, жаҳон аҳолисининг ҳаттоқи ярми ҳам банд эмас. Шундан 1,65 миллиард киши ёлланма меҳнат билан шуғулланади. Мавсумий ишлар, қишлоқ хўжалиги ва кичик оилавий корхоналарда 1,5 миллиард киши меҳнат қиласи. Ривожланаётган мамлакатлар аҳолисининг ярмидан кўпроғи меҳнат бозоридан ташқарида экан. Бу мамлакатларда аҳоли асосан рўйхатдан ўтмаган фирма ва корхоналарда ижтимоий суғуртасиз ва меҳнат шартномасини имзоламаган ҳолда ишлайди.

Охиригина йиллардаги ижтимоий-иктисодий жарёнларни чуқур илмий таҳлил қилиш асосида унинг объектив қонуниятларини тадқиқ қилиш, шулардан келиб чиқсан ҳолда аниқ хулосалар чиқариш ҳамда амалий тадбирлар белгилаш мумкин. Ваҳоланки, барқарор ривожланиб борувчи меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш том маънода ўзига хос тамойилларга асосланган меҳнат ресурсларини худудий тақсимлаш, табиат билан жамиятнинг қонун ва қонуниятларини англаш, ушбу жараёнларни чуқур таҳлил қилиш, илмий ишланмалар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга қўллашни назарда тутади.

Бу ривожланишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармоннинг мақсад-моҳияти ҳам мамлакатимиз меҳнат ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш орқали миллий иктиносидиёт тараққиётини таъминлаш, пировардида аҳоли турмуш тарзини янада яхшилашдан иборат [1].

Мазкур стратегия ижтимоий-иктисодий ҳаётнинг барча жабҳаларини бешта устувор йўналиш доирасида қамраб олганлиги ва “ижтимоий-иктисодий ривожланишни жадаллаштириш, ҳалқнинг турмуш даражаси ва, ҳар бир худуднинг табиий, минерал-хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туризм ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш”га қаратилганлиги билан амалий аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда меҳнат ресурслари самарали фойдаланиш бугунги куннинг долзарб вазифаси бўлиб, бу борада илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш заруратини келтириб чиқаради. Илмий манбаларда меҳнат

"GEOGRAFIYA – KELESHEKKE KÓZ-QARAS"

atamasındağı Respublikalıq kólemdegi ilimiy-teoriyalıq konferenciya

ресурслари ва уларни оқилона шакллантириш ва самарали фойдаланиш юзасидан турли илмий талқинлар ва қараашлар мавжуд.

Меҳнат ресурсларининг сони, динамикаси, таркиби, жойланиши ва бошқа кўрсаткичларини таҳлил этганда, улар аҳолининг узвий бир қисми эканлигини чуқур англаш зарур. Кишилик жамиятида ижтимоий, иқтисодий, демографик жараёнлар кўп жиҳатдан моддий ишлаб чиқариш хусусиятларига боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Ишлаб чиқариш моддий шаклларининг ривожланиши, фан-техника тараққиёти жамият ишлаб чиқарувчи кучларининг асосларини белгилаб беради. Меҳнат ресурсларининг шаклланиши ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳажми, ривожланиш суръатлари ва йўналишларини аниқлабгина қолмасдан, жамият ва уни ташкил қилувчи кишиларнинг моддий ҳаётий талабларини қондиришнинг шакллари ва даражасини ҳам кўрсатиб беради. [2] Шундай қилиб табиий ва тарихий ривожланиш жараёнида ўзгарувчан ижтимоий ишлаб чиқаришнинг характеристи меҳнат ресурслари такрор барпо этилишининг хусусиятларини аниқлаб берувчи моддий асос бўлиб ҳисобланади.

Шу ўринда, меҳнат ресурслари ва уларнинг шаклланиши юзасидан иқтисодчи олимларнинг назарий қараашларини таҳлил қиласиз. Маълумки, юртимизда иқтисодчи олим Қ.Х.Абдурахмонов меҳнат ресурслари, уларнинг шаклланиши ва ўзига хос хусусиятлари, улардан оқилона ва самарали фойдаланишнинг назарий жиҳатларини кенг асослаб берган. Жумладан, унинг фикрича, меҳнат ресурслари мамлакат аҳолисининг ўз руҳий-физиологик ва ақлий сифатлари билан моддий неъматлар ишлаб чиқаришга (хизмат кўрсатишга) қодир меҳнатга лаёқатли қисми ҳисобланади. Улар таркибига фақат иқтисодий фаол аҳолигина эмас, шу билан бирга ҳозирги пайтда ишламаётган ва иш қидираётган меҳнатга лаёқатли шахслар, шу жумладан, ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда таълим олаётганлар ҳам киритилади [2].

Демак, меҳнат ресурслари иқтисодиётда меҳнат билан банд бўлган, банд бўлмаса ҳам меҳнат қилишлари мумкин бўлган шахсларни қамраб олади. Ишлаб чиқариш омилларининг юқорида номи зикр этилган барча турлари орасида меҳнат ресурслари алоҳида ўрин тутади. Меҳнат ресурсларига кенг маънода: меҳнатни ҳосил қилиш, айирбошлаш ва ундан фойдаланишни таъминловчи ижтимоий муносабатлар, ижтимоий меъёр ва институтлар тизими сифатида қараашлар ҳам мавжуд. Жумладан, Н.А.Волгин, Ю.Г.Одегов ва айрим бошқа иқтисодчи олимлар меҳнат

"GEOGRAFIYA – KELESHEKKE KÓZ-QARAS"

atamasındağı Respublikalıq kólemdegi ilimiý-teoriyalıq konferenciya

ресурслари соҳасига фақат меҳнатни айирбошлишни (меҳнат олди-сотдисини) эмас, балки, меҳнат салоҳиятини ҳосил қилиш (таълим ва касбий тайёргарлик), шунингдек, меҳнатдан фойдаланиш лозимлигини кўрсатмокдалар[4]. Бу меҳнат ресурсларининг доимий равишда янгиланиб туриши тушунилади

Меҳнат ресурслари қандай шаклланишини аниқлаш учун биз биринчидан, меҳнат ресурсларини учта йирик ёш гурухлари бўйича – меҳнатга лаёқатли кишилар, меҳнатга лаёқатли кишилардан ёшроқ ва меҳнатга лаёқатли ёшдан каттароқ кишиларни, иккинчидан, ҳар бир гурух аҳоли сонига, унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни, учинчидан, меҳнат ресурслари ва аҳолининг табиий ва механик ўзгаришдаги умумий ва ўзига хос томонларни кўриб чиқишимиз лозим.

Меҳнат ресурслари ортиқчалиги ишсизлик муаммосига ва ишчи кучининг иш излаб бошқа худудларга миграциясига олиб келади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
2. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат бозори назариясига янгича ёндашувлар // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, сентябрь, 2011. –Б.46-52. Iqtisodiyot.uz
3. Кадиров Р.Б. Фаргона водийси вилоятлари ахолиси ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш йуллари. География фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т-2020.-78 б.
4. Ибрагимов Л.З. Аҳоли бандлиги ва унинг ўзига хос хусусиятлари . Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 46-жилд. Илмий мақолалар тўплами. - Тошкент, 2015 йил. – 233 бет
5. Embergenov N.J., Khodjaeva G.A., Allanazarov K.J. Population Growth in Republic of Karakalpakstan// Наука и образования в Каракалпакстане. Научный журнал.№2, 2017. 35-38 стр.
6. Utepova G.B. Xalıqtanıw hám ekonomikalıq geografiya tiykarları. Oqıw qollanba N: 2022.
7. Utepova G. B., Uzaqbaev A. O. QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍNDA JUMÍSSÍZLÍQ MÁSELESİNİN ÓZINE TÁN ÓZGESHELİKLERI, XALÍQTÍ JUMÍS PENEN TÁMIYINLEWDE BASLÍ WAZÝPA HÁM IS-ILÁJLAR //RESEARCH AND EDUCATION. – 2023. – Т. 2. – №. 9. – С. 76-85.

"GEOGRAFIYA – KELESHEKKE KÓZ-QARAS"

atamasındağı Respublikalıq kólemdegi ilimiý-teoriyalıq konferenciya

8. Утепова Г. Б., Узакбаев К. К. РОСТ НАСЕЛЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН И ЕГО ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА ТЕРРИТОРИАЛЬНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ //Экономика и социум. – 2021. – №. 10 (89). – С. 1121-1130.
9. Ходжаева Г.А. Бекбулатова Г.А., Байрамова М.Д. Влияние демографического фактора на территориальную организацию производства в сельских районах Республики Каракалпакстан. Промышленный транспорт Казахстана. №70 (1), 2021. –с. 190-199.
10. Ходжаева Г.А., Умаров Е.К., Алланазаров К.Ж. Демографические факторы территориальной организации производства в районах Южного Приаралья// Актуальные проблемы современной науки, N 4, - М., 2003. с. 151-153
11. Ходжаева Г.А., Умаров Е.К., Турсынов М. Основные направления социально-экономического развития Республики Каракалпакстан// Узбекистон География жамияти ахбороти, 23-жилд, Т. 2003. 184-187 б.